

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**188** Тошкент давлат техника университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Саноатнинг базавий тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегик дастурлари самарали амалга оширилишини таъминлай оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, муҳандислик таълими ривожининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлашни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш, шунингдек бунинг учун зарур замонавий моддий-техника базасини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (кейинги ўринларда — ТДТУ)ни ТДТУ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институти негизида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

машинасозлик, энергетика, муҳандислик геологияси ва кончилик иши, электроника ва асбобсозлик, муҳандислик интеллектуал тизимлари соҳасида юқори малакали мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий технологияларни синаб кўриш ва жорий этишга йўналтирилган амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш;

чет мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибасини ва мамлакат иқтисодиёти талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли муҳандислик-техник ва ишлаб чиқариш йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини, илмий-услубий адабиётларни ишлаб чиқиш;

қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига чет эллик мутахассисларни жалб этиш мақсадида етакчи хорижий техника олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

Белгилаб қўйилсинки, ТДТУ республиканинг муҳандислик-техника йўналишлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш соҳасидаги базавий олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлига, зарур

холларда, ТДТУнинг ташкилий тузилмасига тасдиқланган ходимлар сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

ТДТУ билан биргаликда 2016 йилнинг 1 августига қадар ТДТУнинг янгиланган ташкилий тузилмасига мувофиқ унинг факультетлари ва кафедраларини қайта ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин, шунингдек янги ташкил этилаётган Мухандислик тизимлари факультети ҳамда Мухандислик-физика факультетини юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлиқ таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекнефтгаз» МХК билан биргаликда бир ой муддатда ТДТУ Нефть ва газ факультети талабалари контингентини И.М. Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалига ўтказиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

янги ташкил этилаётган Мухандислик тизимлари факультетини ТДТУнинг Нефть ва газ факультети биносига жойлаштирсин, бинони реконструкция қилиш ишлари олий техника таълим муассасалари учун назарда тутилган халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошланишигача ниҳоясига етказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институтини ҳамда унинг ҳузуридаги Ихтисослаштирилган конструкторлик-технология бюросини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Тугатилаётган Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг илмий ва муҳандис ходимларини аттестациядан ўтказиш учун 2-иловага* мувофиқ таркибда аттестация комиссияси тузилсин, малакали мутахассислар ТДТУнинг янгидан ва қайтадан ташкил этилаётган факультетларига, йўналишлар бўйича кафедралари ва лабораторияларига ишга қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги иштирокида бир ой муддатда Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг илмий-техникавий лойиҳалари, конструкторлик-технология ишланмалари, ускуналари ҳамда бошқа мол-мулкнинг зарурлиги ва сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун уларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказсин, замонавий ускуналар ТДТУ Мухандислик-физика факультетининг янги ташкил этилаётган лабораторияларига топширилсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК бир ой муддатда Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг:

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 33 манзилидаги биноси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси балансидан ТДТУнинг лаборатория ва тажриба-конструкторлик базаси билан Мухандислик-физика факультетини жойлаштириш учун ТДТУ балансига;

Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 28 манзилидаги биноси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси балансидан И.М. Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалини кенгайтириш учун «Ўзбекнефтгаз» МХК балансига бепул асосда, тасаруф этиш ҳуқуқисиз қабул қилиниши-топширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ТДТУнинг Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уйда жойлашган Мухандислик-физика факультети биносини реконструкция қилишни Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш бўйича таклифлар тайёрласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТДТУ билан биргаликда:

бир ой муддатда ТДТУнинг янгиланган низомини тасдиқласин;

ТДТУ ходимлари сонини белгиланган тартибда тасдиқланган янги ташкилий тузилмага мувофиқ ҳолга келтирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги республика бюджетини харажатлари параметрларига зарур ўзгартишлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Фанлар академиясининг тугатилаётган Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг бўшаётган ходимларини белгиланган тартибда иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент давлат техника университетида кадрлар тайёрлаш таркибини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 18 июндаги 134-сонли қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 24-25-сонлар, 227-модда) 2, 3 ва 8-моддалари, шунингдек унинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ходиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 2 май,
ПҚ-2524-сон